



2020 у «30» декабр

№ Қ-2031

«__» _____ 20__ г

Тумандаги “BOBOTOG'-BARAKASI” номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш ва ижарага ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 7 сентябрдаги 41-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 7 сентябрдаги 41-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Якубов Абдирашид бошлиқ “BOBOTOG'-BARAKASI” номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этилсин ва унинг Низоми рўйхатга олинсин ҳамда “Ш.Мирзаев” массиви худудидан хўжалик харитасининг 187, 337ақ, 366-дала контурларида жойлашган жами 11,19 гектар, шундан 10,50 гектар боғ, 0,33 гектар ариқ, 0,60 гектар йўл, 0,13 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевга туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш, фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман Давлат хизматлари маркази раҳбари Н.Мўминовга фермер хўжалигини Давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

5. Фермер хўжалиги раҳбарига ўз хошишига кўра тижорат банкларининг биридан ўзининг ҳисоб рақамини очиш тавсия этилсин.

6. Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур “BOBOTOG'-BARAKASI” номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер

хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров

TO'G'RI
ZBEKISTON RESPUBLIKAS
SURXONDARYO VILOYAT
QUMQO'RG'ON TUMAN
HOKIMI UMUMIY
BO'LIM MUDIR


Кумкўрғон туман хокими
Р.Б.Гаппаровга

Тумандаги "Хўжақишлоқ"
маҳалласида яшовчи фуқаро
Якубов Абдирашид
томонидан

А Р И З А

Аризани ёзишимдан мақсад, менга "Ш.Мирзаев" массиви
"Арпапоя" маҳалла фуқаролар йиғини худудидан 11-лойиҳадаги
танловга кўйилган хўжалик харитаси 366к, 337ақ-контурларда
жойлашган 11,19 гектар ер майдонига боғдорчилик йўналиши
бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этишимга рухсат
беришингизни сўрайман деб

MARK	MARSON	/
ISSH #	1500/01-41	
CANASI	10.07.20	



Якубов Абдирашид

10.07.2020

97 - 242 - 38 - 35

**Surxondaryo viloyati Qumqo'rg'on
tuman fermer, dehqon xo'jaliklari va
tomorqa yer egalari Kengashi**

190900, Surxondaryo viloyati, Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox
ko'chasi 3-uy



**Сурхондарё вилояти Қумқўрғон
туман фермер, дехқон
хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари Кенгаши**

190900, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани, Ўзбекистон шох
кўчаси 3- уй

2020 йил « 13 » июль

Қумқўрғон тумани

№ 574

Сурхондарё вилоят Қумқўрғон тумани фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг Қумқўрғон тумани “Хўжақишлоқ” маҳалласида яшовчи фуқара Якубов Абдурашидга боғдорчилик фермер хўжалиги учун ер майдони олишга муносиб ёки номуносиблиги ҳақида

Х У Л О С А

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмасининг 2015 йил 15-декабрдаги “фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сонли қарорига кўра, фуқарао Якубов Абдурашидга (АС0987447) фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони (участкалари) берилишига муносиб ёки номуносиблиги бўйича, Қумқўрғон туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши ҳулоса бериш учун ўтказган суриштирув текширув натижасида қуйидагиларни аниқлади:

1. Қишлоқ хўжалигида иш стажи тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас.
2. Маълумоти олий, агроном
3. Талабгорнинг 20 бош қорамоли, 50 бош қўйи ва 30 та товуғи мавжуд.
4. Талабгорнинг техникаси мавжуд эмас.
5. Талабгорнинг 4 та ишчи кучи мавжуд.
6. Талабгорнинг иқтисодий асосланган бизнес режаси мавжуд.
7. Талабгор мавжуд томорқасига ер ёнғоқ экини экиб самарали фойдаланиб келмоқда.
8. Талабгор ўтказиладиган тендер танловнинг 11-лойиҳасига иштирок этиши мумкин.

Юқоридагиларга кўра, туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши қуйидаги ҳулосага келди.

Қумқўрғон тумани “Хўжақишлоқ” маҳалласида яшовчи Якубов Абдурашидга “Ш.Мирзаев” худудидан боғдорчилик фермер хўжалиги юритиш учун ер майдони (участкалари) ажратилишига муносиб.

Ушбу ҳулоса аризалар билан биргаликда туман “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”га юборилсин.

Қумқўрғон тумани фермер, дехқон
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари
Кенгаши раиси:

1500/01-41
10.07.2020 й

А.Самадов